

«Хадичаи Кубро» мадрасасида 2024-2025 ўқув йили учун кўзи ожиз абитуриентларнинг қабул имтиҳонлари ўтказилди



15:26 / 05 август 486

Бугун, 5 август кунини «Хадичаи Кубро» аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасасида янги ўқув йили учун кўзи ожиз абитуриентларнинг қабул имтиҳонлари бўлиб ўтди.

Мазкур абитуриентлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Ўрта махсус ислом таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тартиби»га асосан кириш имтиҳонини оғзаки тартибда ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳар «Шароит плюс» ногиронлар жамоат бирлашмаси кенгаш аъзоси Улуғбек Маматханов ҳолис қузатувчи сифатида иштирок этди.